



ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI

MATNSHUNOSLIK VA ADABIY MANBASHUNOSLIK
KAFEDRASI

“ADABIY MANBASHUNOSLIK VA MATNSHUNOSLIKNING DOLZARB MUAMMOLARI”

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA
ILMIY-AMALIY ANJUMANI MATERIALLARI

TOSHKENT SHAHRI
9-NOYABR 2022-YIL



ALISHER NAVOIY
NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**MATNSHUNOSLIK VA ADABIY MANBASHUNOSLIK
KAFEDRASI**

**“ADABIY MANBASHUNOSLIK VA
MATNSHUNOSLIKNING
DOLZARB MUAMMOLARI”
MAVZUSIDAGI
RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
ANJUMANI MATERIALLARI**

**TOSHKENT SHAHRI
9-NOYABR 2022-YIL**



ALISHER NAVOIY
NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI

UO'K 82.09:801.73

KBK 83.3

Sh 91

ISBN 978-9943-8958-5-0

**“ADABIY MANBASHUNOSLIK VA MATNSHUNOSLIKNING DOLZARB MUAMMOLARI”
MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI MATERIALLARI**, Toshkent
"TUBO NASHR" 2022, 378bet

MAS'UL MUHARRIR:

Rashid Zohidov
filologiya fanlari doktori, dotsent

NASHRGA TAYYORLOVCHILAR:

Zilola Shukurova
filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori

Umedullo Mahmudov
filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori

Azamat Atayev
Matnshunoslik va adabiy manbashunoslik kafedrası o'qituvchisi,
tayanch doktorant

MUHARRIRLAR:

Manzar Abdulxayrov
Matnshunoslik va adabiy manbashunoslik kafedrası dotsenti,
filologiya fanlari doktori

Azizullah Aral
Matnshunoslik va adabiy manbashunoslik kafedrası dotsenti

MUSAHHIHLAR:

Sobir Mansurov
Matnshunoslik va adabiy manbashunoslik kafedrası
katta o'qituvchisi

Kozim Asrorov
Matnshunoslik va adabiy manbashunoslik kafedrası
o'qituvchisi

MATN TERUVCHI:

Sharofiddin Jalilov
Matnshunoslik va adabiy manbashunoslik kafedrası o'qituvchisi



МУТРИБ АСАРЛАРИДАГИ МАТН ТАФОВУТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Мадиримова Соҳиба Маҳмудовна

ТошДЎТАУ, доцент в.б.

madirimova555@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада Хоразм адабий муҳити шоири Муҳаммад Ҳасан Мутриб Ҳожи Табиб ўғлининг (1853–1923) лирик шеърлари матншунослик аспектида тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: матн, девон, қўлёзма манба, аслият, табдил, ғазал, байт, банд.

Abstract: In this article, the lyrical poems of the Khorezm literary milieu poet Muhammad Hasan Mutrib Haji Tabib son (1853-1923) are studied from the aspect of textual studies.

Keywords: text, devon, manuscript source, original, conversion, ghazal, maqta', couplet.

Аннотация: В данной статье с текстологической точки зрения исследуются лирические поэмы поэта хорезмской литературной среды Мухаммада Хасана Мутриба Хаджи Табиба сына (1853-1923).

Ключевые слова: текст, диван, рукописный источник, оригинальность, адаптировать, газель, стих, клаузула.

Ҳар қандай асарнинг манбалараро матний тафовутларини аниқлаш ва муаллиф вариантга яқин мукаммал вариантини тиклаш матншуносликнинг асосий муаммоларидан ҳисобланади. Шу пайтгача Мутриб илмий фаолияти хусусида баъзан умумий тарзда, баъзан махсус мақолалар эълон қилинган бўлса-да, шоир шеърлари матний жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаган. Шоирнинг XIX аср охири XX аср бошларида қўчирилган девон қўлёзмалари, қўлёзма баёзлар, мажмуа (тўплам) ҳамда тазкираларга киритилган шеърларидан айримлари жорий имлода нашр этилган. Ушбу нашрларни шоир асарларининг аслияти билан қиёслаганда улар орасида матний тафовутлар борлиги кўзга ташланади. Бундай матний хатоликлар табиийки, айрим ўринларда сўзларнинг нотўғри ўқилишига олиб келган бўлса, айрим ҳолларда шоир ифодаламочки бўлган поэтик мазмуннинг ўзгариб кетишига, матниқдан узок ғализ жумлалар юзага келишига сабаб бўлган. Бу эса ўз навбатида, Мутриб асарларининг аслият асосидаги қиёсий-матний тадқиқини амалга оширишни кун тартибига қўяди.

Шундан келиб чиқиб, тадқиқотда Мутриб лирик асарлари аслияти (девон қўлёзмалари, қўлёзма тазкира, мажмуа (тўплам), баёзлардаги шеър матнлари) билан уларнинг нашр вариант (ҳозирги кунда эълон қилинган вақтли матбуот нашрлари, интернет саҳифалари, шоир шеърларининг турли тўплам(рисола-мажмуа, ўзбек адабиёти хрестоматияси)лари ўзаро муқояса этилди. Таъкидланганидек, шоир асарлари нашрга тайёрланиш жараёнида ўзгаришларга учраган ва бу ўзгаришларни қуйидагича таснифлаш мумкин:



1. *Байт ва мисраларнинг тушиб қолиши;*
2. *Сўзларнинг нотўғри ўқилиши;*

Байт ва мисраларнинг тушиб қолиши. В (903-инв. 264^а-бет) таянч ёрдамчи манбада Мутрибнинг “Этдинг мани” радифли ғазали берилган. Ғазал 7 байтдан иборат бўлиб, у “Тулистон журнали”нинг 1974 йил 7-сони(28-бет)да нашр этилган. Бироқ ғазал нашрда 6 байт шаклида учрайди:

*Наззорайи ҳуснинг учун ҳар лаҳза фурқат даштида,
Қон йиғлатиб, даҳр аҳлига безътибор этдинг мани.*

Бу байт девон қўлёзмасига тўртинчи ўринда келади. Аммо асосиз равишда нашрдан тушириб қолдирилган.

В (903-инв. 205^б-бет), D (906-инв. 139^б-бет) таянч ёрдамчи манбаларга “Фидо” радифли 7 байтли ғазал кўчирилган. Бу ғазал ҳам М.Пирназаровнинг “Мутриб Хонахаробий (Рисола-мажмуа)” [Пирназаров, Матназар. Мутриб Хонахаробий (Рисола-мажмуа), 2001. 7.] рисоласига 6 байт қилиб берилади. Қуйидаги бир байт нашрдан тушиб қолган ва у девон қўлёзмаларида тўртинчи ўринда учрайди:

*Раҳм этиб, қулбам сори қилсанг хиромон ноз ила,
Жисми жоним йўлингга, эй қўнғлум олғоним, фидо.*

Мутрибнинг В (903-инв. 208^а-бет), D (906-инв. 241^б-бет) таянч ёрдамчи манбаларга кўчирилган “Ё раб” радифли 7 байтли ғазали ҳам рисола-мажмуа (11-бет)да 6 байт ташкил этади.

*Вафо меҳрин тилаб ажзу ниёз этсам жанобига,
Қилур ҳар кун фузунроқ, жонима жавру ситам, ё, раб.*

Юқоридаги байт аслиятда бешинчи ўринда берилган.

Шоирнинг 7 байтли “Пайдо” радифли ғазали жорий нашрларида жиддий матний хатолик билан нашрга тайёрланган. Ушбу ғазал нашрида бир байт таркибида “сўзларнинг лексик жиҳатдан фарқ қилиши”, “сўзларнинг нотўғри ўқилиши”, “изофаларнинг ноўрин қўйилиши” кўринишида кўзга ташланади.

Мутрибнинг В (903-инв. 270^б-271^а-бетлар) таянч ёрдамчи манбадаги Мунис (*Хиромон қоматингким, гулиани умрим ниҳолидур*) мисраси билан бошланувчи ғазалига ёзган 9 бандли тахмиси кўчирилган. Ушбу тахмиснинг еттинчи банди рисола-мажмуа (38-бет)га қуйидаги тарзда табдил қилинган:

*Бўлуб наврас ниҳолинг файзидин ушиоқлар масрур,
Мажолис ичра буқим фош эрур ики юзингдин нур,
Жаҳон ҳуснинг баҳори бирла фирдавси паридекдур,
Йўқ эрса қўнғлума бо Оллоҳки, ул дўзах мисолидур.*

Дастлабки икки мисрадан кейин келувчи учинчи мисра нашрда тушириб қолдирилган.

Тушириб қолдирилган бу мисра қуйидагича:

Ҳазин қўнғлум ғаминким, бодайи васлинг-ла барҳам ур.

Сўзларнинг нотўғри ўқилиши. Полвонназир Бобожонов Лаффасий тазкирасини таъдидида, “Мутрибким, Муҳаммад Хусайин девон Хожи табиб ўғли” - “Хусайин” деб



беради, аммо Мутриб отасининг исми “Ҳасан”. Қўлёзмада ҳам “حسن” берилган. “Ҳусан” бўлиши учун бу исм арабчаси “حسن” каби ёзилиши керак. Нашр жараёнида, бу исм тарихий манбалардан хабарсиз ҳолда “Ҳусан” тарзида хато ўқилган [Лаффасий, Ҳасанмурод. Тазкираи шуаро, 1992. 83-85]. Бундан ташқари, шоирнинг ушбу нашрда эълон қилинган “пайдо” радибли ғазали матнида ҳам бир қанча матний номувофикликлар қўзга ташланади. Бу ғазал Матназар Пирназаров томонидан нашрга тайёрланган “Мутриб Хонахаробий (рисола-мажмуа)”сида ҳамда Болта Давлатовнинг “Хоразм ҳақиқати” газетаси (1991 йил, 20 июль сони)да ҳам нашр қилинган. Матндаги фарқлар В (903-инв. 203⁶-бет), D (906-инв. 238⁶-бет) таянч ёрдамчи манбалар ҳамда Лаффасийнинг 12561 (140^a-бет) рақамли қўлёзма тазкираси асосида киёсий ўрганилди.

Ғазалнинг биринчи байтидаги “Ҳамдингдин” сўзи Матназар Пирназаров тайёрлаган рисола-мажмуага “Ҳамдамингдин” шаклида ўзгаришга учраган:

Зиҳи жонларга ҳамдамингдин бўлиб файзу сафо пайдо,

Ҳаёлингдин кўнгулларга бўлиб ҳар муддао пайдо.

Таянч ёрдамчи манбаларда, Лаффасийнинг қўлёзма тазкирасида, Б.Давлатов ҳамда П.Бобожонов тайёрлаган нашрларда куйидагича тўғри берилади:

Зиҳи жонларга ҳамдингдин бўлиб файзу сафо пайдо,

Ҳаёлингдин кўнгулларга бўлиб ҳар муддао пайдо.

Ғазал ҳазажи мусаммани солим(мафойилун, мафойилун, мафойилун(V---/V---/V---/V---)) вазида ёзилган.

“Ҳамдам” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, улфат, бирга юрувчи; ўртоқ, дўст деган маъноларни беради. “Ҳамд” [Навоий асарлари луғати. 1972. 763.] сўзи эса араб тилидан олинган бўлиб, 1. Мақтов мадх; 2. Шукр, ташаккур деганидир.

Маъноси: *Сенинг ҳамдингдан жонларга нақадар ажойиб файзу сафо ҳосил бўлиб, Сен ҳақингда ҳаёл суришдан кўнгуллардаги барча муддао-мақсадлар юзага чиқади.*

Нашрдаги байт мазмуни: *Сенинг дўстлигингдан жонларга нақадар ажойиб файзу сафо ҳосил бўлиб, Сен ҳақингда ҳаёл суришдан кўнгуллардаги барча муддао-мақсадлар юзага чиқади.*

Байтдаги “Ҳамд” сўзи “Ҳамдам” деб нотўғри ўқилганлиги сабабли байтдаги маъно ўзгариб, мазмунга таъсир қилган.

Ушбу ғазалнинг учинчи байти Лаффасий қўлёзма тазкирасида куйидагича кўчирилган:

Қилиб чарх узра хуришд ... маҳни жилвагар тун-кун,

Олардин қудратинг бирла жумла(й)и оламга зиё пайдо.

Ушбу байтда “-ила” боғловчи вазифасидаги кўмакчи тушиб қолган. Кейинги мисрадаги кўмакчи вазифасида келган “-ла” сўзи ўзгариб, “Бирла” шаклида берилган.

Тазкира нашрида:

Қилиб чарх узра хуришд монанд жилвагар тун-кун,

Олардин қудратингла жумла_ оламга зиё пайдо.

“Монанд” [Навоий асарлари луғати. 1972. 397.] сўзи форс тилидан олинган бўлиб, “Ўхшаш” дегани. Байтдаги “Хуришд ила маҳни” бирикмаси “Хуришд монанд” бўлиб



ўзгаради. Бундан ташқари “-ла” кўмакчиси шеърини шаклда берилганда чизикча билан ёзилиши мақсадга мувофиқдир. Бу билан байтда имловий хатога йўл қўйилган. “Жумлайи оламга” бирикмасининг “Жумла оламга” бўлиб келишида изофа берилмаган.

Ушбу байт рисола-мажмуада қуйидагича учрайди:

Қилиб чархи хуришид ила то жилваки тун-кун,
Олардин қудратинг-ла жумла_ оламга зиё пайдо (5-бет).

Б.Давлатов тамонидан тайёрланган нашрда:

Қилиб хуришид чарх узра ажойиб жилвагар тун-кун,
Олардин қудратинг-ла жумла_ оламга зиё пайдо.

Таянч ёрдамчи манбаларда қуйидагича тўғри берилган:

Қилиб чарх узра хуришид ила маҳни жилвагар тун-кун,
Олардин қудратинг-ла жумла_ оламга зиё пайдо.

Байтнинг насрий баёни: Осмонда ой ва қуёшни туну кун нур-жилва сочувчи қилиб қўйгансан. Бу икковидан Сенинг қудратинг билан бутун оламга зиё-ёруғлик пайдо бўлади.

Қуйида шу ғазалнинг тўртинчи байти қўлёзма тазкирада ҳамда таянч ёрдамчи манбалардагидек айнан сақланган:

Биров ҳусн авжи узра гўлжабинун қадди мавзундур,
Бировда ишқ аро булбул каби тун-кун наво пайдо.

Бу тўртинчи байт нашрларда қуйидагича берилади:

М.Пирназаров тайёрлаган рисола-мажмуада,

Биров ҳусн авжи узра жибин қадди маҳзундур,
Биров то ишқ аро булбул каби тун-кун наво пайдо.

П.Бобожонов нашрида:

Бировким ҳусн шавқда гўлжабинун қадди мавзундур,
Биров_ ишқ аро булбул каби тун-кун наво пайдо.

Б.Давлатов нашрида:

Биров ҳусн аҳли ичра гўл жабинун қадди мўзундур,
Бировда ишқ аро булбул каби тун-кун наво пайдо.

Ғазалнинг ўнинчи байтидаги “Шавқ” сўзи рисола-мажмуада “Ишқ” бўлиб тахрир этилган. “Ошиқларингга” сўзидаги “-га(-ға)” жўналиш келишиги эса тушиб қолган. Натижада байт мазмуни ўзгариб, вазн сакталиги юзага келган. Ушбу байт қуйидагича:

Бу янглиг ҳусн ила маъшўқлиқ изҳор этиб, ҳар дам,
Қилиб ошиқларинг ишқ аро бўйи вафо пайдо.

Бу байт Б.Давлатов нашрида:

Бу янглиг ҳусн ила маъшўқлиқ изҳор этиб, ҳардам,
Қилиб ошиқларига шавқ аро бўйи сафо пайдо.

Таянч ёрдамчи манбалар, Лаффасий қўлёзма тазкираси ҳамда П.Бобожонов тайёрлаган нашрда шоир девон қўлёзмаларидаги каби қуйидагича тўғри берилади:

Бу янглиг ҳусн ила маъшўқлиқ изҳор этиб, ҳар дам,
Қилиб ошиқларингга шавқ аро бўйи вафо пайдо.



Байтнинг насрий баёни: *бунга ўхшаи ҳусн билан ҳар дам маъшуқлиқни изҳор этиб-кўрсатиб, ошиқларингга шавқ билан вафонинг ҳидини-асарини(изини) пайдо қиласан.*

Шу ғазалнинг ўн иккинчи мисрасида “Нахл” сўзи учрайди. Бу сўз П.Бобожонов, Б.Давлатовлар нашрларида “Нахл” бўлиб берилган. “Х” ва “Х” ҳарфларининг ўзгариши байт мазмунининг ўзгаришига сабаб бўлган. Масалан, “Нахл” сўзи арабчадан олинган бўлиб, 1. Кўчат, ёш дарахт; 2. Хурмо дарахти маъноларини англатса, “Нахл” эса “Асалари” деган маънони беради. Ушбу байт куйидагича:

Этиб лутфинг баҳори тийра туфроқдин жаҳон ичра

Минг алвон неъмату ер узра наҳли дилкушо пайдо.

Байтдаги “Неъмату ер” (Неъмат ва ер) шаклида берилган бирикма матн контекстида тарқоқликни юзага келтиради. Таянч ёрдамчи манбаларга, кўлёзма тазкирага ҳамда рисола-мажмуага “Неъматни ер”, яъни “Ерни неъматни” бўлиб тўғри берилган:

Этиб лутфинг баҳори тийра туфроқдин жаҳон ичра

Минг алвон неъматни ер узра наҳли дилкушо пайдо.

Байтнинг насрий баёни: *Сен лутфинг баҳори билан қора туфроқдан жаҳонда минг турли дилни яйратувчи-очувчи янги-янги неъматни ер юзида пайдо қиласан.*

Ғазалнинг мақтаъ қисмидаги “Иймон” сўзи рисола-мажмуада “Имон” шаклида, пайт мазмунини ифодаловчи “То” сўзи эса тушиб қолган:

Солиб кўнглумга имон гавҳарин __ нақди жон чикқач,

Илоҳи, айлагил Мутрибга андоғ раҳнамо пайдо.

Ушбу байт Б.Давлатов нашрида:

Солиб кўнглумга имон гавҳарин то нақди жон чикқач,

Илоҳи, айлагил Мутрибга андоғ раҳнамо пайдо.

Таянч ёрдамчи манбаларда, кўлёзма тазкирада ҳамда П.Бобожонов тайёрлаган нашрда куйидагича тўғри берилган:

Солиб кўнглумга иймон гавҳарин то нақди жон чикқач,

Илоҳи, айлагил Мутрибга андоғ раҳнамо пайдо.

Ғазал мақтаъси шоирнинг яратувчига жон чиқар пайтида иймонини саломат сақлашни сўраб, қилган илтижоси билан тугайди. Нашрларда берилган ушбу байтдаги фарқлар байт мазмунига унчалик таъсир этмаган бўлса-да, вазнга таъсир этган ўринлар сезилади.

Матназар Пирназаров тадқиқот ишида шоир ғазалларида кўплаб бадий санъатлар қўлланилганига доир мисолларни келтиради. Чиройли таҳлиллар асосида шоирнинг бадий маҳорати очиб берилади. Бироқ бу мисоллардаги сўзларнинг матнига эътибор қаратилса, уларда айрим матний фарқлар борлиги кўзга ташланади. Масалан, М.Пирназаров “Мутрибнинг санъаткорлик маҳорати” фаслида: “... *Халқ поэзиясида ёзма шеъриятда ҳам поэтик фонетика аллитерация усулининг мазмун ва шаклга ижобий таъсири бор. Мутрибнинг куйидаги “С” товушининг такрорланиши шу жиҳатдан характерли:*

Сазрин каломинг Мутрибо саргаштани сайд этиб,

Ҳар бир сўзинг эй маҳлиқо_ жон бергуси_ жон бергуси” – тарзида шоирнинг такрорга асосланган ёйиқ радифли ғазалининг мақтаъ қисмидан мисол келтиради [Пирназаров,



Матназар. Мутриб Хонахаробийнинг ижодий йўли. 1973. 87-97]. Хўш, ушбу байтдаги “поэтик фонетика аллитерация усули” қай ҳолатда юзага келган, сўзларнинг нотўғри ўқилиши эвазигами? Байтдаги “Сайд” сўзи ғазалнинг вазнига ҳамда мазмунига таъсир этади. “Сазрин” сўзи эса хато ўқилган. Аслида бу байт: “Эй Маҳлиқо, (сенинг) ширин сўзинг боши айланган Мутрибни хурсанд этади. Эй ой юзли (ёр), ҳар бир сўзинг жон бағишлайди, жон бағишлайди” мазмунига эга! Аслият (903/IV инв. (261^а-бет)да эса ушбу байт:

Ширин каломинг Мутрибни саргаштани хурсанд этиб,

Ҳар бир сўзинг, эй моҳлиқо, жон бергуси, жон бергуси – каби кўчирилган.

Аллитерация санъати эса, билганимиздек, муайян товушлар такрорига қурилади. Юкорида қайд этилган мисраларда эса фақат “саргашта” ва “хурсанд” сўзларида “с” товуши такрорланган. Табиийки, биз буни том маънодаги аллитерацияга мисол бўла олади, деб ҳисоблай олмаимиз. Аллитерация (Тавзеъ) – шеърда, жумлада, бандда ва қисман насрий асарларда ҳам бир хил ундош товушларнинг такрорланиши. Товушлар оҳангдорлиги, асосан бир хил товушларнинг такрорланишидан ҳосил бўлган оҳангдошлик аллитерация деб юритилади [ЎЗМЭ. 2000]. Бунга мисол қилиб Фурқатнинг “Сайдинг қўйбер, сайёд, сайёра экан мендек..” [Абдуғафуров, Абдурашид. ZIYOUZ.COM кутубхонаси <https://n.ziyouz.com>.] мисраси билан бошланувчи мусаддаси ёки бўлмаса, Э.Воҳидовнинг “Қаро қошинг, қалам қошинг, Қийиқ қайрилма қошинг қиз...” [ЎЗМЭ. 2000] каби мисралари билан бошланувчи шеърларини эслаш кифоя.

Ҳар бир ижодкор асарларини ўрганишда, энг аввал матнга бўлган масъулиятни ҳис қила билиши лозим. Акс ҳолда ўрганилаётган асар мазмунига жиддий таъсир этади. Мутриб Хонахаробийнинг А.Абдуғафуров, Б.Давлатов, П.Бобожонов, Ю.Рўзматов, М.Пирназаров томонидан газета ва журналларда эълон қилинган шеърлари ҳамда 2001 йилда нашр қилинган М.Пирназаровнинг “Мутриб Хонахаробий (Рисола-мажмуа)”га кўчирилган юзга яқин Мутриб асарлари қайта нашрталаб эканлигини таъкидлаш лозим.

Адабиётлар рўйхати

1. Жабборов Н. Бадий матн таҳрирининг хос хусусиятлари. //Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари (Илмий мақолалар тўплами). – Т.: Mumtoz so‘z, 2014. – Б. 28-32.
2. Ўз Р ФА ШИ. Асосий фонд. 906/VII инв. қўлёзма. Девон.
3. Ўз Р ФА ШИ. Асосий фонд. 903/IV инв. қўлёзма. Девон.
4. Пирназаров М. Мутриб Хонахаробий (рисола-мажмуа). –Тошкент, 2001. - Б. 40.
5. Пирназаров М. Мутриб Хонахаробийнинг ижодий йўли. Фил. фан. номз... дисс. Самарқанд, 1973.
6. Абдуғафуров А. ZIYOUZ.COM кутубхонаси <https://n.ziyouz.com>.
7. ЎЗМЭ. Биринчи жилд. Тошкент, 2000 й.
8. Навоий асарлари лугати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 524.



9. АН-НА'ЙМ. القاموس العربى الأوزبكى /Арабча ўзбекча луғат. (Тузувчилар: О.Носиров, М.Юсупов ва бошқалар). // –Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. –Б. 613.
10. Бобожон Тарроҳ-Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари (Нашрга тайёрловчилар: Анбара Отамуродова ва Олланазар Абдурахимов). – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2011. – Б.136 -140.
11. Лаффасий. Тазкираи шуаро (Нашрга тайёрловчи: П.Бобожонов). – Урганч, Хоразм. 1992. – Б. 83.
12. Ўзбек адабиёти. Хрестоматия. V том, II китоб. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – Б. 352.
13. Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – Б. 100.